# ОЙ МАВЗУСИ: “ТРАНСПОРТ. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ. ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ САБОҚЛАРИ”

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Гуруҳ | | ______________________________ катта гуруҳи | | | | | |
| Мавзу | | **Фавқулотда ёрдам ҳизматлари** | | | | | |
| Давр | | Ноябрь ойининг 3 хафтаси | | | | | |
| Ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлар | Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши | Чаққонлик, фазода мўлжал олиш, диққатни ва чидамлиликни, тез ҳаракат қилиш малакаларини ривожлантириш. | | | | | |
| | Ижтимоий – хиссий ривожланиш | Жасорат ҳиссини, тартиблиликни, ғалабага интилиш ва иродани, маиший ҳаётда одоб-аҳлоқ малакаларини шакллантириш. | | | | | |
| | Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари | Кундалик ҳаётда болаларнинг шахсий ҳавфсизлиги ҳақидаги билимларини кенгайтириш ва ривожлантириш. Тезкор ёрдам ҳизматларининг телефон рақамларини ўрганиш. | | | | | |
| | Билиш жараенини ривожланиши | Болаларда фавқулотда холатларда ўзини тутиш кўникмаларини шакллантириш. Ҳавф келтириб чиқариши мумкин бўлган предметлар ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш. Дўстона муносабатни тарбиялаш. | | | | | |
| | Ижодий ривожланиш | Ҳамкорликда фаолиятни амалга оширишга ижобий муносабатни шакллантириш, ритмни сезиш ҳиссини, мусиқа ва ҳаракатларда ритмик акс этишни ҳис қилиш қобилиятини тарбиялаш. | | | | | |
| Ривожланиш марказлари | | Ўқув-тарбиявий фаолият | | | | | |
| | | Душанба | Сешанба | Чоршанба | Пайшанба | Жума | Ресурслар, изоҳ |
| Фронтал машғулотлар | | | | | | | |
| Мустақил таълим фаолияти | Қуриш – ясаш ва математика | Касалхонани кубиклардан қурамиз | | Ўт ўчирувчи машинани йиғамиз | | Милиция машинасини йиғамиз | Геометрик ўакллар йўл белгилари |
| | Сюжетли – ролли ўйинлар ва драммалаштириш | ‘Биз қутқарувчилармиз” | | Шифокорлар бизнинг ёрдамчиларимиз – “Кимдир касал бўлса” | | | Атрибутлар, маскалар |
| | Нутқ ва тил | ‘Хавли жихозлар” суҳбат | | Ўқиш К. Оленева “Қизил машина” | | | Китоблар |
| | Фан ва табият маркази | ‘Сув ва тупроқ” хусусияти | | Олов хусусияти | | | Сув, қум, ўсимлик |
| | Санъат маркази | ‘Сув дўст ва дўст эмас” ИЗО фаолият. | | | | | Бўёқ, қалам, қоғоз, |
| | | | | | | | |

## НОЯБРЬ. 3 ҲАФТА.
## «ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ҲИЗМАТЛАРИ »

*Қуриш, ясаш маркази*

“Касалхона” кубиклардан қурамиз.
Мақсад: қурилиш хақида тушунчага эга, кетмакетлигини билади, ихтиёрий касалхона қуради, касалхонанинг зарурияти хақида гапириб беради, турли хил рангларни танлайди ва шаклларни билади. .
Жиҳоз ва материаллар: геометрик қурилиш шакллари, кичик ўйинчоқлар, қурилишнинг лойхаси ва чизмаси, каскалар, иш қуроллари, иш транспортлари, махсус кийим.

Фаолиятнинг бориши:
1. “Касалхона”расмини кузатиш.
2. Болалар билан “Касалхона” қурилишини режалаштириш.
3. Қурилиш материалларидан фойдаланиб “Касалхона” куриш.
4. Қурилган касалхонани намойиш қилиш.
Қўшимча: Тарбиячи болаларга ўз ишларини кичкина ўйинчоқлар билан бойитишни тавсия қилиши мумкин..
Нималарга этибор қаратилади:
Болаларнинг жамоа бўлиб ишлаш уқувига.
Касалхонанинг ҳавфсизлиги ва кўп тармоқлилигига эътибор қаратиш.
Тасаввур ва ижодиётни ривожлантириш.
4. Хаёт хавсизлиги қоидалари

*Сюжетли-ролли ўйин ва саҳналаштириш маркази*

«Биз қутқарувчилармиз»
Мақсад: хавфли вазиятлар ҳақида тасаввурга эга, қутқарув хизмати иши ҳақида элементар билимга эга.
Жиҳоз ва материаллар: ниқоблар, руль машиналар костюмлар; фуражкалар, мавзу юзасидан турли вазиятли иллюстрациялар
Фаолиятнинг бориши:
1. Мавзу юзасидан сюжетли расмларни кўриш
2. Ролларни тақсимлаш ва турли вазиятларни саҳналааштириш.
3. Тезкор чақирув телефонлари ҳақида билимларни мустаҳкамлаш.
4. Ўйинлар, муҳокама ва болаларни рағбатлантириш.
Қўшимча: Бадиий сўз билан тўлдириш. Нимага эътибор қаратиш лозим: луғат бойлигини бойитиш, ижодий қобилиятни ривожлантириш; ҳаёт хавфсизлиги сабоқлари

*Тил ва нутқ маркази*

Мавзу «Хавфли жихозлар»
Мақсад: турмушдаги хавфсизлик манбалари ҳақида элементар билимга эга – электроасбоблар, газ плитаси, гугурт. Айрим асбобларнинг болалар учун хавфли томонларини тушунтириб бера олади.
Жиҳоз ва материаллар: мавзу бўйича иллюстрациялар, плакатлар, хавфли предметлар ва тезкор хизмат рақамлари кўрсатилган пешлавҳа.
Фаолиятнинг бориши.
1) Расмлар бўйича таянч сўзини айтади;
2) расмдаги вазиятларни тавсифлайди ;
3) мос рақамли пешлавҳани топади, ундаги тезкор хизматнинг рақамини айтади;
4) болалар ишининг муҳокамаси, рағбатлантириш.

Қўшимча: бадиий сўз билан бойитиш. Нимага эътибор қаратиш лозим: қисқа гаплардан иборат хикоя туза олиш; таҳлил қилиш ва умумлаштира олиш; тасаввурни кенгайтириш, хаёт хавфсизлиги сабоқлари.

*Фан ва табиат маркази*
«Сув ва қум хусусиятлари»
Мақсад: сув ва қумнинг айрим хусусиятлари ва нам қумнинг ажойиб хусусиятлари билан таниш. Сувдан фойдаланишни билади. Сув билан тажриба ўтказади.
Жиҳоз ва материаллар: сув, қум, шам, гуруртлар, мавзу бўйича иллюстрациялар.
Фаолиятнинг бориши:
1. Сув ва қумнинг хусусиятлари билан танишиш;
2. Тарбиячи билан иш; оловни ўчириш (ёнган шамни сув ва қув ёрдамида ўчириш.
3. Хулоса чиқарилади.
Қўшимча: кислородсиз расмларда тажрибадаги кислородсиз оловни ўчиришни кузатадилар.
Нимага аҳамият бериш лозим: тажриба ўтказа олиш; қоидани билади ва унга амал қилади; хаёт хавфсизлиги сабоқлари.

*Ижодий марка*з
“Сув дўст ва дўст эмас” ИЗО фаолият
Мақсад: Сув хақидаги тушунчани мустахкамлаш, физика қонунлари асасида сувни табий йўл билан олиш усуллари хақида маълумот бериш.
Жиҳозлар ва материаллар: Альбом қоғозлари, бўёқ, қалам, мўй калам, стаканлар, тасвирли расмлар.
Фаолиятнинг бориши:
Мавзу асосида расмларни томоша қилиш.
Лойхалаштириш ва чизиш
Қўшимча: Мавзу асосида шеър ёки қўшиқ айтиб беришни тавсия қилиш, кўргазма ташкил қилиш.
Нимага эътибор қаратиш керак:
Сувни расмларга қараб тушунтиради.
Озода ишлашни билиш.

*Қуриш, ясаш маркази ва математика*
Ўт ўчирувчи машинани йиғамиз
Мақсад: “Ўт ўчирувчи мошина”ни қутилардан ва бошқа нарсалардан йиғади, машинанинг асосий қисмларини билади, турли рангларни танлайди, шаклларни билади.
Жиҳоз ва материаллар: қутилар, табиий материаллар, “Ўт йчирувчи машина” туширилган расмлар.
Фаолиятнинг бориши:
1. Транспорт мавзусидаги расмларни кўриш
2. Қутилардан ўт ўчирувчи машина қуришни болалар билан режалаштириш.
3. Болалар билан машина қуриш.
4. Асосий қисимларини ишлатилишини номлаш.
Қўшимча: Тарбиячи транспорт турига қараб қўшимчалар қўшишни, ўйнаб беришни тавсия қилиши мумкин (Ўт ўчирувчи).
Нималарга этибор қилиш керак:
Майда предметлар билан ишлаш уқуви.
Машитнани турли атрибутлар билан безатиш.
Тасаввурини ривожлантириш.

*Сюжетли-ролли ўйин ва саҳналаштириш маркази*
Шифокорлар бизнинг ёрдамчиларимиз. “Кимдир касал бўлса”

Мақсад: Шифокор касби билан танишиш. Айрим тиббиёт ускуналар нима учун ишлатилиши тўғрисида тушунчага эга (харорат ўлчагич, шприц, стетоскоп ва ҳ.к.)
Жихоз ва материаллар: шифокор учун керакли бўлган болалар тўплами, шифокор тўплами, қўғирчоқлар.
Фаолиятнинг бориши:
1. Ролларни мустақил равишда тақсимлайди (шифокор, она қизи билан ва ҳ.к.)
2. Ўзи ўйлаб топган сценарийни сахналаштиради
3. Мазкур тематика бўйича роллар билан алмашади ва янги сюжетни саҳналаштиради.

Нимага эътибор бериш лозим: ўйин давомида болаларнинг ўзаро муносабати; ўйин иштирокчиларига эмоционал муносабат; фаол бўлмаган болаларнинг ўйиндаги иштироки.

*Тил ва нутқ маркази*
Ўқиш К. Оленова «Қизил машина»
Мақсад: Бадиий адабиётга қизиқиши уйғонади. Асарни кетма-кетликда гапириб бера олади ва маъносини тушунтиради.
Жиҳоз ва материаллар: асарга мос сюжетли ва предметли расмлар.
Фаолиятнинг бориши.
1. Асарга мос суратларни кетма-кетликда қўя олиши.
2. Сюжетли расмларга қараб К. Оленовани "Қизил машина" асарини гапириб бериши.
3. Расмдаги вазиятларни тавсифлайди ;
4. Болаларни рағбатлантириш.
Қўшимча: Тарбиячи билан асарни ўқиш, асар мазмуни хақида суҳбат, бадиий сўз билан бойитиш.
Нимага эътибор қаратиш лозим:
Фикрлаш, хотирасини, боғланган нутқини ривожлантириш.
Ифодали қайта хикоя қилиб бера олиш.

*Қуриш, ясаш маркази ва математика*
"Милиция" машинасини йиғамиз
Мақсад: "Милиция машинаси"ни қутилардан ва бошқа қўл остидаги буюмлардан йиғади, бўртма шаклларни номлайди ва уларни иш жараёнида фойдаланади. Машинанинг асосий қисмларини билади, турли рангларни танлайди, шаклларни билади.
Жиҳоз ва материаллар: қутилар, қўл остидаги буюмлар, "Милиция машинаси" тасвирланган расмлар.
Фаолиятнинг бориши:
1. Транспорт мавзусидаги расмларни кўриб чиқиш.
2. Қутилардан "Милиция" машинасини лойхалаштириш ва қуриш.
3. Машинани турли атрибут ва безаклар билан безатиш.
Қўшимча: Мавзу асосида мультфильмлар ёки хикоя ўқиб беришни тавсия килиш.
Нималарга этибор қилиш керак:
Предметнинг оғирлиги ва ўлчамини тўғри ўлчашни билиши.
Машитнани турли атрибутлар билан безатиш.
Иш якунидан сўнг бурчакни тартибга солиш.

*Фан ва табиат маркази*
«Оловнинг хусусиятлари»
Мақсад: Оловнинг фойдаси ва хавфлилигини элементларини билади. Олов билан ишлаш жараёнида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиб иўлашни билади.
Жиҳоз ва материаллар: "Олов фойдали – олов хавфли" мавзусида сюжетли расмлар.
"Оловда нима ёнади" дидактик ўйини.

Фаолиятнинг бориши:
1. Оловнинг ташқи кўринишини расмларда кўриш ва тасвирлаб бериш (ранги, хажми ...)
2. Карточкалар билан ишлаш: ёнаяпти – ёнмаяпти.
3. Бажарилган ишни тушунтириб бериш.
4. “Ёнаётган олов” тасвирини пазлларда йиғиш.
Қўшимча: кислородсиз расмларда тажрибадаги кислородсиз оловни ўчиришни кузатадилар.
Нимага аҳамият бериш лозим:
Тажриба ўтказа олиш;
Қоидани билади ва унга амал қилади;
Ҳаёт хавфсизлиги сабоқлари.